

МА Ё Л У М О Т Н О М А

2019 йилнинг 26-28 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникация Агентлиги, Журналистларни тайёрлаш Маркази ва “Региональный диалог” МНПО Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигида “Суд тизими шаффофлигини ва халқни судга бўлган ишончини ошириш мақсадида судлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Олий суд судьялари, қуйи суднинг судьялари, журналистлар, АҚШдан ташриф буюрган судьялар ва экспертлар иштирок этишди.

“Региональный диалог” МНПО Ўзбекистондаги филиалининг 2019 йил 31 май кунги 176-сонли таклиф хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидан мазкур конференцияда мактабнинг бош муҳаррири Эшмуродов Арслон Хусанович, мактабнинг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази бош мутахассиси Байзақова Назокат Тиловова ҳамда етакчи мутахассис Маматов Акмалжон Ботировичлар иштирок этдилар.

Мактаб вакиллари томонидан мазкур конференцияда судлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўзаро муносабатларини яхшилаш масаласида махсус қўмита ташкил этиш, бир йилда камида беш маротаба уларни ҳамкорлик ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш юзасидан йиғилишлар ўтказиш борасида берган таклифлари конференция сўнгида бошқа таклифлар қатори ижобий баҳоланди.

Олий мактабнинг Суд амалиёти
муаммоларини ўрганиш маркази
етакчи мутахассиси:

А.Б.Маматов

